

МУХАМЕДОВ НЕЪМАТУЛЛО АСАТУЛЛАЕВИЧ

**ЎРТА АСРЛАРДА ШОШ ВОҲАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИСЛОМ
МАДАНИЯТИ ВА ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич

Ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси..... 3

Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич

Вклад учёных оазиса Шаш в развитие исламской культуры и науки в средние века..... 33

Mukhamedov Nematullo Asatullayevich

Contribution of Scholars from Shash to Islamic Culture and Science in the Middle Ages..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

МУХАМЕДОВ НЕЪМАТУЛЛО АСАТУЛЛАЕВИЧ

**ЎРТА АСРЛАРДА ШОШ ВОҲАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИСЛОМ
МАДАНИЯТИ ВА ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.DSc/Tar137 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ПАU.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Захид Махмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор

Остонақулов Икромитдин
тарих фанлари доктори

Султонов Ўктамбек Абдулғаниевич
тарих фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 26.04.2018. Isl/Tar/F. 57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@ПАU.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертацияси билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.С.Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб турли дин ва маданият вакиллари ўзаро ҳамкорлик қилаётган глобллашув шароитида ислом цивилизациясида муҳим ўринга эга мутафаккирлар, хусусан, “аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланган”¹ Мовароуннаҳр олимларининг хизматлари ҳам эътироф этилди. Зеро, “буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади”².

Дунёда Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом цивилизацияси ривожланган илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. АҚШ университетларида Марказий Осиёда тасаввуф тарихи, Буюк Британия илмий-тадқиқот марказларида Марказий Осиёда ислом цивилизацияси, Голландияда ўрта асрлар ислом цивилизацияси бўйича илмий ишлар амалга оширилмоқда. Ўрта аср олимларининг Европадаги фонд ва архивларда сақланаётган кўплаб қўлёзмалари асосидаги тадқиқотлар ислом тарихи, манбашунослиги йўналишида устувор ўрин эгаллайди.

Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош (شاش) деб номланиб, ҳадис, фикҳ, тасаввуф каби ислом илмлари бўйича кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган “Шоший” (شاشي), “Тошкандий” (طشكندی) (XIV асрдан) нисбаси билан дунёга танилган. Уларнинг Туркия, Миср, Сурияда сақланаётган қўлёзмалари тавсифи, илмий шарҳлари, манбашунослик таҳлили бўйича тадқиқотларга янгича қарашни тақозо этади. Ўзбекистон шаҳарларида, хусусан, Шош воҳасида қадимдан маданият шаклланганини турли археологик топилма, қўлёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар исботлайди. Ҳастимом, Занги ота, Сузук ота мажмуалари каби кўплаб тарихий ёдгорликларнинг қайта тикланиши, Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаса (ISESCO) томонидан 2007 йилда “Тошкент – ислом маданияти пойтахти”³

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017 йил 23 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи: Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи. – 2016 йил 19 октябрь.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссасининг юксак эътирофи / Президент Ислом Каримовнинг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси // Халқ сўзи. 2007 йил, 23 февраль.

деган юксак мақомнинг берилиши ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги⁴ халқаро миқёсда нишонланиши унинг минтақадаги ўрнини белгилаб, ўрта аср Шош олимларининг қўшган ҳиссаси долзарблигини ифодалайди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маиший, маънавий-диний каби барча соҳаларда янги ривожланиш босқичига ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда⁵. Илмий тадқиқотлар ривожига учун Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июнидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларда белгиланган буюк аجدодларнинг асарлари ва уларнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш, ёш авлодда миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини тарбиялашда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁶. Ўрта асрларда фаолият кўрсатиб, ислом маданияти ва илм-фани ривожига ҳисса қўшган Шош воҳаси олимлари, хусусан, муҳаддис, фақиҳ ва суфийлар фаолияти, илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, University of Oxford (Буюк Британия), British Institute of Persian Studies (Буюк Британия), Indiana University (АҚШ), Illinois University (АҚШ), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия), Cairo University (Миср), Turkish Religious Foundation Centre for

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-828-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2008 йил, 4-сон, 223-модда; 11-сон, 618-модда.

⁵ <http://lex.uz/getwordfile/3107036> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

⁶ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <http://www.csames.illinois.edu/program/islamicstudies>; <http://www.ugr.university/programmes/arab-and-islamic-studies>; <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.kazankiu.ru>; <http://www.tashgiv.uz>; <http://www.uzxia.uz>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Islamic Studies, Suleymaniye Library (Туркия), Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi (Туркия), Marmara University (Туркия)⁷, İstanbul Üniversitesi (Туркия), Институт востоковедения РАН, Казанский исламский университет (Россия), Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Ўзбекистон).

Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф тарихи – яссавия ва нақшбандия тариқатлари тарихи, маданияти билан боғлиқ тадқиқотлар⁸ Британия Форс тадқиқотлари институтида амалга оширилган. Марказий Осиёда ислом цивилизацияси⁹ тарихи, фалсафаси назарий жиҳатдан асосланган (British Institute of Persian Studies (Буюк Британия), Indiana University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия).

Гарб олимлари томонидан ўрта асрлар ислом цивилизацияси билан боғлиқ жараёнлар – мусулмон олимлари фаолияти, уларнинг ҳадис, фикр ва тасаввуф каби ислом илмлари тарихи шаклланишига қўшган ҳиссаси, қўлёзма манбалари ва асарлари манбашунослик таҳлили асослари илмий асосда ёритилган (University of Oxford (Буюк Британия), Росс Illinois University (АҚШ), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия)¹⁰.

Ўрта аср олимлари асарлари қўлёзмалари шарҳи, илмий-танқидий, манбашунослик таҳлили асослари тавсифланган (Дамашқ шаҳридаги “аз-Зоҳирия”¹¹, Туркиядаги илмий-тадқиқот марказлари, Сулаймония кутубхонаси, Институт востоковедения РАН, ЎЗР ФА шарқшунослик институти).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шош (Тошкент) минтақадаги йирик маданият марказларидан бири бўлиб, Марказий Осиё тарихига оид манбаларда шаҳар ва воҳа тарихининг ижтимоий-маданий соҳалари, хусусан, у билан боғлиқ сиёсий воқеалар умумий маълумотлар тарзида ёритилган.

Ҳозирги кунда минтақа республикаларида яшовчи халқлар тарихи ҳамда тарихий географияси, шунингдек, маданияти тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларини тадқиқ қилишда араб ёзма ёдгорликларининг аҳамияти катта.

⁷ <https://turkiyat.marmara.edu.tr/notice/marmara-turkiyat-arastirmalari-dergisi/> Ömer Lütfi Barkan. Estila Devirlerinin Kolonizatur Turk Dervioleri ve Zaviyeler // Vakıflar Dergisi. s. II, Ankara, 1942, sf. 279–304; Aynur Kocak. Zengi Ata'nin menkebleri, turbesi ve bayrami uzerine // Turk Kulturu ve Hacı Bectas veli Aiastyima Dergisi, sy 25, Ankara, 2003. – S. 107; Keffal Şaşı'nın hayati hakkında bakınız. Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi. C.24. Istanbul. 2011. S.146-148.

⁸ DeWeese, Devin. The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Tradition // JIS, 7/2 (july 1966). P. 180–207; DeWeese, Devine. Yasavian legends on the islamization of Turkistan.-Aspekts of Altaic Civilization – III. Proceeding of the Thirteen Meeting of the Permanent International Altaistic conference Indiana University (in) 1987. Ed. D. Sinor. Bloomington, 1990, p. 1–19.

⁹ The Importance of Khurāsān and Transoxiana in the Classical Islamic World,” in A.C.S. Peacock and D.G. Tor, eds., Medieval Central Asia and the Persianate World: Iranian Tradition and Islamic Civilisation. British Institute of Persian Studies Series. London: I. B. Tauris, 2015, 1-12.

¹⁰ Medieval Islamic Civilization Josef W. Meri Routledge encyclopedias of the Middle Ages. Том I. Psychology Press, 2006. -P. 933.

¹¹ Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ал-Муснад (المسند) асари “аз-Зоҳирия” кутубхонасида

Муаллифлари турли халқларга мансуб бўлишидан қатъи назар, улар маълум анъана ҳамда устувор давомийлик воситасида асрлар ва мамлакатлар оша ўзаро чамбарчас боғланган, араб тилида ёзилган асарлардан иборат¹².

IX асрга оид ал-Балозурий¹³, Ибн Хурдобеҳ¹⁴, ал-Яъқубий¹⁵, X асрга доир ал-Истахрий¹⁶, ал-Муқаддасий¹⁷, ал-Масъудий¹⁸, ал-Хоразмий¹⁹, ат-Табарий²⁰, Ибн Мискавайх²¹, Ибн Ҳавқал²² каби алломаларнинг асарлари шулар жумласидан. Ушбу асарларнинг аксарияти Марказий Осиё ва ундаги шаҳар, қишлоқлар географияси ва топографияси, ижтимоий-сиёсий тарихига оид бўлиб, уларда Шош воҳасига тегишли маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлса ҳам ифодаланган.

Шош (Тошкент) тарихига бағишлаб ёзилган махсус асарлар эса саноклидир. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий домла Раҳимхўжа ўғли (Шайхонтахурдаги Қориёғди маҳалласида 1810 йилда туғилган)нинг форс тилида ёзилган “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) асари ана шундай нодир манбалардан ҳисобланади. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида асосан, Тошкент шаҳри топографияси ҳамда шаҳар ва

277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган “Мактабат ал-Асад” номи кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган; Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффолаш-Шоший. Жавомӣ ал-калим (جوامع الكلم) қўлёзманинг фото нусхаси. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида В-977 рақам остида сақланади, 32 варақ; (қўлёзманинг асли Дамашқдаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланади). Марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирия” кутубхонасида сақланадиган “Жавомӣ ал-калим” асарининг қўлёзмаси (32 саҳифа) фото нусхасини олиб келган.

¹² Қаранг: Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Т.: Шарқ баёзи, 1993. -Б. 3.

¹³ Балозури. Футух. – Liber expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmad ibn Jahia ibn Djabir al-Beladsori quem e codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M. J. De Goeje, Lugduni Batavorum, 1866; Китоб футух ал-булдан та’лиф Аҳмад ибн Йахйя ибн Джабир ал-Багдади аш-шахир би-л-Балозури.-Каир, 1319/1901; Балозури. Книга завоевания стран. Текст и перевод. Перевод с арабского П.К.Жузе. Баку, 1927 (Материалы по истории Азербайджана. В п III-IV).

¹⁴ Kitab al-Masalik wa’l-mamalik auctore Abu’l-Kasim Ubeidallah ibn Abdallah ibn Khordadbeh. Accedunt excerpta e Kitab al-Kharadj anct. Kodama ibn Dja’far Lugd Batavorum, 1889 (BGA, VI); Brockelmann G. GAL, I, SS. 225-226; SB 404; Ибн Хурдобеҳ. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик. М.Ј. De Goeje. -Leiden, 1967.

¹⁵ Kitab al-Boldan, auctore Ahmed ibn Abi Jakub ibn Wadhih al-Katib al-Jakubi, Ed. 2, edit M. J. De Goeje, Lugh. Batavorum, 1892 (BGA, VII).

¹⁶ ал-Истахри – Абу-Исҳоқ ал-Форисий ал-Истахрий. Китаб масалик вал-мамалик. М. J. De Goeje. -Leiden, 1873.

¹⁷ Descriptio. Imperii Moslemici auctore... Schamsod-din Abu Abdollah Mohammed ibn Ahmed ibn Abi Bekr al-Banna al-Basshari al-Mokaddasi ed. M.J. De Vloten Lugh. Batavorum, 1872; ed. 2, 1906 (BGA, III); ал-Муқаддаси. Аҳсан ат-тақасим фи ма’рифат ал-акалим. Изд. -М. J. Goeje. -Leiden, 1967.

¹⁸ al-Mas’udi. Kitab at-Tanbih wa-l-ischraf /Ed. M. J. De Goeje. Lugduni Batavorum apud E.J.Brall, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. VIII. 508 p.

¹⁹ Қаранг: Аҳмедов А.А. Научное наследие ал-Хоразми и его место в истории науки и культуры. Дисс. и автореф. дис. на соиск. уч. степ. док. ист. наук. -Т. 1986.

²⁰ Абу Жа’фар Муҳаммад ибн Джарир ат-Табари. Тарих ал-умам ва-л-мулк. -Каир, т. I-XII. 1326/1908; История ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. -Т.: Фан. 1987.

²¹ Brockelmann C. GAL, I-II; SB, I-II (отделы истории, географии, астрономии); Крачковский И.Ю. Арабские географы и путешественники. Известия Государственного географического общества, 1937, № 5, стр. 738-765.

²² Абу-л-Қосим Ибн Ҳавқал ан-Насибий. Китоб сурат ал-ард. 1967; Абу-л-Қасим Ибн Хаукаль. Пути и страны / Пер. Е.К.Бетгера. Труды САГУ. Археология Средней Азии, -Т., 1956.

унинг атрофидаги жойлар – масжид ва мадрасалар тарихи, географиясига оид маълумотлар келтирилган²³.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг Тошкент шаҳри марказ бўлиб қолди. Мустамлака тузуми шароитида бўлса ҳам шаҳар тарихи ўрганилди. Н.С.Ликошин, В.П.Наливкин, Н.П.Остроумов асарларида археологик қазилардан топиладиган айрим буюмлар доирасида илк фикрлар билдирилди. 1873 йилдан Тошкент ўлкашунослари маълум Шарқ қўлғиналари асосида шаҳар тарихини ёритишга киришдилар. Натижада, Е.Т.Смирновнинг “Тошкентнинг қадимийлиги” (Древности в окрестностях Ташкента. Ташкент, 1896) рисоласи вужудга келди. Шундан сўнг, Н.А.Маев²⁴, Д.И.Эварницкий²⁵, А.П.Шишов²⁶, В.С.Гаевский²⁷, Н.Г.Маллицкий²⁸ ва бошқаларнинг дастлабки тарихий очерклари яратилди. XIX аср охири XX аср бошларида Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаёти тўғрисида А.И.Добросмыслов²⁹ анча бой маълумотлар тўплаган.

Н.Г.Маллицкийнинг машҳур “Туркистон ўлкаси” китобининг 8-боби Тошкентга бағишланган. Муаллифнинг “Тошкентнинг Қўқонга қарамлиги тарихидан” (К истории Ташкента под Кокандским владычеством, 1900), “Тошкент шаҳри айрим рақамларда” (Город Ташкент несколько цифр, 1912), “Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари” (Ташкентские махалля и мауза, 1927) каби асарлари ҳам мавжуд³⁰.

Таниқли библиограф В.И.Межов томонидан XX аср бошларидаги газета ва журналларни ўзида жамлаган “Туркистон тўплами” (Туркестанский сборник)да ҳам Тошкент ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Тошкент тарихи ва археологиясига оид дастлабки илмий очерклар ичида В.В.Бартольд³¹ ва М.Е.Массон³² асарларининг аҳамияти беқиёс.

Тошкентнинг археологик обидаларини тадқиқ қилиб, унинг қадимги тарихи саҳифаларини тиклашда М.Е.Массон, В.А.Булатова, У.Исломов, М.И.Филанович, Ю.Ф.Буряков ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бу борада А.Муҳаммаджоновнинг “Қадимги Тошкент” рисоласида батафсил

²³ Қаранг: Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎЗР ФАШИ, Қўлғина фонди. № 7791; Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида (XIX аср).-Т.: Фан, 1983; Ўринбоев А. Тошкент солномаси. “Тулистон” журнали. 1982, № 3. -Б. 26; Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

²⁴ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. Сборник материалов для статистики Туркестанского края. -СПб., 1876.

²⁵ Эварницкий Д.И. Краткая история города Ташкента. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношениях. -Т., 1893.

²⁶ Шишов А.П. Исторический очерк Ташкента. Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. XI т. -Т., 1904.

²⁷ Гаевский В.С. Историческая справка о городе Ташкенте. -Т., 1907.

²⁸ Маллицкий Н.Г. Ташкент (исторический очерк). «Известия Ташкентской городской думы», 1915, № 1, 2; Ўша муаллиф. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие. Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 3-й., 1897-1898.

²⁹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем (исторический очерк). -Т., 1912.

³⁰ Қаранг: Тошкентнинг ўтмиши, бугуни ва истикболи ҳақида (Адабиётларнинг библиографик рўйхати). -Т., 1983. -Б. 7.

³¹ Бартольд В.В. Ташкент // Сочинения. В 9 т. -Москва, 1965. Т.3. -С.499-502; Ўша муаллиф. История культурный жизни Туркестана. -Ленинград, 1927. (Ташкент, -С. 163-175.)

³² Массон М.Е. Прошлое Ташкента: Археолого-топографический и историко-архитектурный очерк. Известия АН УзССР, 1954. № 2, -С. 105-132.

маълумотлар берилган³³. Айниқса, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг археологик тадқиқотлар кўлами анча кенгайган. Академик Яхё Ғуломов ташаббуси билан махсус “Тошкент археологик экспедицияси” ташкил этилган. Ҳозирги пайтда эса таниқли олима Маргарита Филанович ва бошқа олимлар иштирокида Тошкентда археологик қазилш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар тарихига бағишлаб, Ф.Озодаев³⁴, Г.Рашидов³⁵, К.Абдуллаев³⁶ ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан Қ.Муниров, А.Ирисов, А.Носировлар³⁷ томонидан изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан Д.Алимова, М.Филанович, тадқиқотчи Ў.Султонов³⁸ ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари амалга оширилди.

Марказий Осиё ҳамда ислом тарихи ва манбашунослиги бўйича ўзбек олимларидан академик Н.Иброҳимов, филология фанлари докторлари З.Исломов, Н.Низомиддинов, тарих фанлари докторлари А.Ҳасанов, У.Уватов, М.Исҳоқов, С.Агзамходжаев, Б.Абдуҳалимов, А.Мўминов, Б.Бобожонов, Ў.Султонов, сиёсий фанлар доктори З.Мунавваров, тарих фанлари номзодлари Р.Обидов, М.Комилов, Д.Раҳимжонов, М.Носирова, И.Усмонов, С.Оқилов, А.Абдуллаев, Н.Насруллаев, Д.Муродов ҳамда Шайх Абдулазиз Мансур ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шош археологияси, география ва топографиясига оид тадқиқотлар давом эттирилмоқда. XIX-XX аср шаҳар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ҳам етарлича тўпланган. Бироқ IX-XV асрларда Шош воҳасидан етишиб чиққан олимларнинг илмий-маънавий мероси, уларнинг ўша давр илм-фан тараққиёти ва маданиятига қўшган ҳиссаси билан боғлиқ илмий тадқиқотлар изчил равишда олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўрта (IX-XV) асрларда Шош воҳаси олимлари – муҳаддислар, фақиҳлар, суфийларнинг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссасини аниқлаш.

³³ Қаранг: Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. -Т.: Шарк, 2002. -Б.5.

³⁴ Азадаев Ф. Очерки по истории Ташкента второй половине XIX века. Дисс... канд. ист. наук. -Т., 1956.

³⁵ Рашидов Г. История социалистического Ташкента (1917-1941гг.). Дисс... докт. ист. наук. -Т., 1966.

³⁶ Абдуллаев К.А. Исследования сведения городища Канка (Древний Харахкет в Ташкентской оазисе). Дисс... канд. ист. наук. -Т., 1975.

³⁷ Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. -Т.: Фан, 1983.

³⁸ Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). -Т.: ART FLEX, 2009.

Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шош – йирик маъмурий ва савдо-хунармандчилик билан бир қаторда мусулмон Шарқидаги илмий-маданий марказлардан бири эканини аниқлаш учун ўрта асрлар Шош (Тошканд) тарихи ва маданиятига оид тадқиқотлар тарихнавислигини асослаш;

Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мажмуаси тарихи, Ҳазрати Имом – Имом Қаффол Шошийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда дипломатик фаолиятига доир тарихий воқеаларни қўлёзма манбалар ёрдамида аниқлаш, унинг “Жавомий ал-калим” қўлёзмасини тадқиқ ва тавсиф этиш;

шошлик муҳаддисларнинг ислом мамлакатлари илмий марказларидаги фаолиятини аниқлаш ҳамда ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший фаолияти ва унинг “Муснад” асарини тадқиқ этиш;

Шошда фикҳ илмининг шаклланиши ҳамда шошлик фақиҳларнинг Бағдод фикҳ мактабидаги фаолиятини асослаш, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ва унинг “Ҳият ул-уламо” асарини тадқиқ этиш ва ёритиш;

Шайх Зайниддин Кўйи Орифон Тошкандий фаолияти ва унинг зиёратгоҳи ислом маданияти ёдгорлиги эканини тарихий манбалар асосида таҳлил этиш, Занги ота шахсияти, зиёратгоҳига доир тадқиқот ва асарларни исботлаш;

Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованд Тоҳур ҳаёти ва меросининг минтақа ислом маданиятига таъсирини ёритиш, Хожа Убайдулло Аҳрорнинг минтақа ислом маданияти ва ижтимоий ҳаётидаги мавқеини манбалар ёрдамида ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти – Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанида тутган ўрни.

Тадқиқотнинг предмети. IX-XV асрлар манбаларида Шош воҳаси олимларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг ислом маданияти ва илм-фани ривожига ўрнини тадқиқ этиш тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ўрта асрлардаги Шош олимлари фаолияти ва илмий меросига оид манбаларни ўрганишда комплекс ёндашиш, тизимлилик, муаммовий-мақсадли, тарихий, қиёсий, мантикий ёндашув ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Ҳастимом” мажмуасидаги “Қаффол Шоший мақбараси”, “Барокхон” ва “Мўйи Муборак” мадрасалари, “Намозгоҳ”, “Тилла Шайх”, “Ҳазрати Имом” масжидлари тарихи ва уларнинг минтақа ислом маданиятида тутган ўрни кўрсатиб берилган;

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) Абу Бакр Қаффол Шошийнинг ислом дунёсидаги тутган нуфузи унинг ҳаёт йўли, мероси ва дипломатик фаолияти асослаб берилган;

Шошда ҳадис илми ривожига жараёнлари Марказий Осиёдаги турли илмий-маданий марказларга қиёсан ўрганилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад

Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший каби 70 га яқин кўплаб муҳаддислар ҳаёти ва фаолияти, ислом маданиятига қўшган ҳиссалари очиб берилган;

Абулҳасан ал-Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид ал-Имом аш-Шоший, Тоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Илоқий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон ал-Илоқий каби 20 дан ортиқ шошлик фақиҳлар номлари аниқланиб, Бағдод фикҳ марказида тутган ўрни исботлаб берилган;

Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний, Занги ота, Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Убайдулло Аҳрор каби 10 дан ортиқ суфийлар ҳаёти, фаолияти ва илмий-маънавий мероси ҳамда уларнинг ислом маданиятидаги ўрни асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижалари 2007 йилда “Тошкент – ислом маданияти пойтахти” халқаро анжумани доирасида нашр этилган “Тошкент – ислом маданиятининг гавҳари” фотоальбоми (30 б.т., ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида) ҳамда “Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси” монографиясида акс этган. 2009 йилда “Тошкент” энциклопедиясида ҳам Шош олимлари фаолиятига доир маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг илова қисмида Абу Бакр Қаффол Шоший, Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийларнинг Тошкент, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари нусхалари берилган. Шош воҳасининг 100 га яқин олимлари фаолиятига доир маълумотлар ёритилган. Тадқиқотда ўрта аср араб манбалари ва қўлёзмалари асос сифатида қўлланилган.

Шошлик олимларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-маънавий мероси, уларнинг ислом маданиятидаги ўрни, ўрта асрлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида Шош олимларининг ўзига хос ўрни, бой тажрибага эга эканлиги борасида хулоса ва тавсиялар ёритилган.

Тадқиқот натижалари Шош олимларининг ушбу мавзудаги қатор асарлари, илмий мероси, бой тажрибаларини тадқиқ этишга асосланган “Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи ва маданияти”, “Юртимиз олимларининг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси” курсларини мустақил фан сифатида шакллантириш ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент ислом институти, шунингдек, исломшунослик, диншунослик, тарих, маданиятшунослик соҳаларига ихтисослашган олий ва ўрта махсус билим юртларида мутахассислик фани сифатида ўқитишни жорий этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий хулосалари ҳамда илмий муомалага киритилган манбалар ўрта асрларда Шош (Тошкент)да ислом тарихи ва маданиятини ёритиш, бу борада орттирилган бой тажрибаларни ўрганиш бўйича олиб бориладиган исломшунослик, тарихнавислик, манбашунослик ва маданият

тарихига оид тадқиқотларда, хусусан, юртимиз олимларининг ислом маданиятида тутган ўрнини чуқур ўрганишда ёрдам беради.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарихийлик тамойили асосида турли илмий-назарий қарашларга эга бўлган тадқиқотчиларнинг фаразлари ўрганилганлиги, тадқиқотда ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 617, 855, 6114, 13405 ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган В-977 рақамли қўлёзмалар, Миср Араб Республикаси, Туркия, Сурия кутубхоналари қўлёзмалар фондида сақланаётган ислом тарихи ва манбашунослигига доир асарларнинг факсимиле нашрларидан фойдаланилгани, тадқиқотда объективлик тамойили асосидаги методларга таянилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта асрларда Шош олимларининг ислом илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссасига оид тарихий манбаларни тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

“Қаффол Шоший (Ҳастимом мажмуаси)”, “Шайх Хованд Тохур мажмуаси”, “Занги ота мажмуаси”, “Мусулмон сайёҳларини Ўзбекистонда кутиш бўйича йўриқнома”, “Land of Civilization” каби ўзбек, рус ва инглиз тилларида китоб, рисола, буклет ва видеороликларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3514-сонли Қарори ижроси юзасидан зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида амалиётда қўлланилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 12 октябрдаги 5639-сон далолатномаси*). Натижалар ёшларда ўз халқи тарихини англаш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш одобларини ўрганишда ёрдам берган.

Абу Бакр Қаффол Шошийнинг Византия империяси ва Араб халифалиги ўртасидаги дипломатик маҳорати хусусан, унинг Византия ҳарбий қўмондони Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборган шеърый мактуб-ультиматумига жавоб ёзишдаги роли; Рум императори қўлида асирликда бўлган ўн минг мусулмонни асирликдан озод қилишдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган И1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 рақамли “Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар” (2015-2017йй.) инновацион лойиҳасида фойдаланилган. Хусусан, (*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 29 октябрдаги 3/1255-2848-сон маълумотномаси*). Натижалар ёшларда ўзбек дипломатия тарихи ва ютуқлари, турли тарихий жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадларига хизмат қилган.

Қаффол Шоший, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Шоший, Абдулло ибн Авона Шоший, Абу Али Ҳофиз Шоший, Абу Бакр Умар Шоший, Аҳмад Одамий Шоший, Ҳомид Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим Шоший Шайх Хованд Тоҳур каби кўплаб алломаларнинг фаолиятига доир қомусий маълумотлардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида бажарилган И-2015-1-20 рақамли “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари энциклопедияси”(2015-2016 йй.) инновацион лойиҳаси асосида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари энциклопедияси” китобини тайёрлашда фойдаланилган (*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2019 йил 15 октябрдаги 02/376-сон маълумотномаси*). Натижада китобхонларда ўрта аср алломалари, аجدодларимиз ҳаёт йўллари, илмий меросига доир қомусий маълумотларни ўрганишда ёрдам берган.

Суфийлар ҳаёти, фаолияти ва илмий-маънавий мероси, уларнинг ислом маданиятидаги ўрни тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бажарилган ФА-Ф1-027 рақамли “Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлғизмалари асосида)”(2011–2016 йй.) фундаментал грантда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2019 йил 29 октябрдаги 3/1255-2848-сон маълумотномаси*). Илмий натижалар Занги ота зиёратгоҳи биноларидаги эпиграфик ёзувлар, қабртошдаги битиклар, оят, ҳадис ва ҳикматли шеърларни тўлиқ ҳолда ўрганиш ва уларга аниқлик киритиш имконини берган.

Абу Бакр Қаффол Шоший “Жавомий ал-калим” асаридаги бағрикенглик ва маърифатпарварлик масалалари ифодаланган. Хрестоматияда Хожа Убайдулло Аҳрорнинг халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигига қўшган ҳиссаси; ўрта асрларда Шош (Тошкент)да фаолият кўрсатиб, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган олимлар асарларидан олинган тарихий факт, ўғит ва афоризмларни ёритишда Республика Маънавият ва маърифат марказида амалга оширилган И-2014-1-51 рақамли “Мафкуравий жараёнларнинг миллий ўзлиқка салбий таъсирининг олдини олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида хрестоматияни тайёрлаш ва чоп этиш” мавзуидаги инновация лойиҳаси асосида чоп этилган “Маънавий тарбия: хрестоматия” китобида фойдаланилган (*Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 15 октябрдаги 02/09-1409-сон маълумотномаси*). Хрестоматиядаги натижалар ёшларни маънан баркамол инсон бўлиб улғайишида аجدодлар мероси, уларнинг ўғит ва афоризмларини ўрганиш имкониятини яратган.

Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний, Занги ота, Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Убайдулло Аҳрор каби 10 дан ортиқ Шош олимларининг ҳаёти ва фаолияти, ислом маданиятига қўшган ҳиссасига оид маълумотлардан “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон тарихи” телеканалларида “Мўъжизалар макони”, “Муқаддас қадамжолар”, “Мозийдан садо”, “Мавзу” ва “Буюк юрт алломалари”; “Маданият ва маърифат” телеканали орқали “Буюк аجدодларимиз” кўрсатуви, “Хожа Убайдулло Аҳрор” хужжатли

фильми; “Дунё бўйлаб” телеканали “Зиёрат” дастурида Шайх Хованд Тахур меъморий ёдгорлиги; “Маҳалла” телеканали “Машварат”, “Йўл бўлсин” кўрсатувлари ҳамда “Маҳалла” радиоканали “Маърифий суҳбатлар” (Абу Бакр Умар Шоший, Занги ота ва Шайх Хованд Тахур тарихи) эшиттириши; “Тошкент” телеканали “Тошкентнома” кўрсатувлари ҳамда “Мустақиллик иншоотлари. Зангиота” хужжатли фильмлари ва кўрсатувлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканаллари 2019 йил 8 октябрдаги 01-35-2084-сон, 2019 йил 4 октябрдаги 01-16/409-сон, 2019 йил 4 октябрдаги 08-14-391-сон, 2019 йил 8 октябрдаги 01-18-111-сон, 2019 йил 7 октябрдаги 01-16-598-сон маълумотномалари). Бу халқимиз, айниқса, ёшларда ислом маданияти ва аجدодларимиз тарихига нисбатан эҳтиром туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича 64 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 4 та монография, 1 та хрестоматия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалар билан бирга 338 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва унинг вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шош – мусулмон шарқидаги илмий-маданий марказлардан бири сифатида”** деб номланган биринчи бобида кўхна Шош воҳасининг Марказий Осиёдаги йирик маданият марказларидан бири эканлиги тарихий маълумотлар асосида таҳлил этилган. Унда ўрта асрлар Шош(Тошканд) тарихига оид тадқиқотлар тарихнавислиги, Шош – йирик маъмурий ва савдо-хунармандчилик маркази экани ҳамда минтақа ислом маданиятида Ҳастимом мажмуасининг тутган ўрни тадқиқ қилинган.

Тошкент шаҳри ва воҳаси Марказий Осиёдаги кўҳна ўлкалардан бўлиб, унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Минтақадаги Хоразм, Сўғд, Фарғона, Шош воҳаси ва бошқа шаҳарлар Ғарб билан Шарқдаги мамлакатларни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўлида жойлашган. Шунинг учун улар маданий жиҳатдан бирмунча ривожланган ўлкалардан саналган. Ўз навбатида, кўҳна Шош (айрим манбаларда Чоч деб юритилади) ҳам Марказий Осиёдаги йирик маданият марказларидан бири бўлган.

Кўҳна Шош воҳасининг Марказий Осиёдаги йирик маданият марказларидан бири эканлиги тарихий маълумотлар асосида таҳлил этилган. Археологик манбаларда қайд этилишича, милоднинг биринчи асрларига келиб, Чирчиқ, Салор, Қорасув бўйларидаги воҳанинг қарийб ярмидан кўпроғи ўзлаштирилиб, обод этилган. Шош воҳасида деҳқончилик маданияти билан бир қаторда, чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Бу эса воҳада қадим замонлардан бери муқим ва ўтроқ яшаган омманинг ибтидоий маданиятга эга эканидан дарак беради.

Ушбу бобда Шош воҳаси археологияси ва топографияси ҳамда унинг исломгача бўлган даври тарихи, маданиятига доир масалалар ўрганилган. Тошкентга тааллуқли пойтахтнинг қадимги даврдан то 1983 йилгача бўлган маълумотлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маиший, маданий-маърифий, тарихий-ҳуқуқий мавзулардаги 1291 номдаги китоблар, журнал мақолалари, тўпламларда кўрсаткич хронологик тарзда қайд этилган³⁹. 2009 йилда Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан бир қатор мақола ва рисоалар эълон қилинганини таъкидлаш зарур.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан сўнг, Тошкент шаҳри марказ бўлиб қолди. Худди шу даврда мустамлака тузуми шароитида бўлса ҳам, шаҳар тарихини ўрганишга қизиқиш кучайди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаёти тўғрисида А.И.Добросмыслов анча бой маълумотлар тўплаган. Унинг “Тошкент ўтмишда ва бугун” китобида Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший, иқтисодий ҳаётига доир кўплаб статистик маълумотлар келтирилган ҳамда ўша даврдаги ноёб фотосуратлар, шаҳар, бино ва иншоотлар меъморий план ва хариталари берилган.

Н.Г.Маллицкий “Туркистон ўлкаси” китобининг 8-боби Тошкентга бағишланган. “Тошкентнинг асос солинган вақти ва унинг илк тарихи номаълум, - деб ёзади муаллиф, - лекин у ўлканинг кўҳна шаҳарлари қаторида туришига шубҳа йўқ”. Милоддан аввалги 4 минг йилликларда юзага келган тепалик Афросиёб номи билан боғланиши қайд этилган. Унинг қолдиқлари эски шаҳарда Шахшинтепа (шоҳ яшаган тепа) номи билан сақланиб қолган. Шаҳарнинг Кўкча ва Себзор даҳаларига сув борадиган ариқ Кайковус номи билан аталишини зикр этган.

³⁹ Қаранг: Тошкент (Адабиётлар кўрсаткичи). -Т., 1983.

Н.Маллицкий “Туркистон ўлкаси” китобида Тошкент номи биринчи бор Беруний асарларида тилга олинганлиги қайд қилинган. Шунингдек, Амир Темурнинг шаҳарга бир неча марта келганлиги, унинг шаҳардаги зиёратгоҳларга эътибори, умуман, Тошкент тарихидаги ўрни хусусида фикр билдирилган. Муҳими, китобда шаҳар аҳолиси урф-одатлари, турмуш тарзи, даҳа ва маҳаллалар, шаҳар бошқарув органлари ва бошқа мавзуларда батафсил маълумотлар берилган⁴⁰.

Таниқли библиограф В.И.Межов томонидан XX аср бошларидаги газета ва журналларни ўзида жамлаган “Туркистон тўплами”да ҳам Тошкент ҳақида кўплаб маълумотлар берилганини қайд этиш лозим.

Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир маълумотлар араб, форс ва туркий тилларда яратилган маҳаллий манбаларда ҳамда Ўрта Осиё хонликлари ва Тошкентда бўлган саёҳатчилар ва ўлка тадқиқотчилари асарларида ҳам мавжуд. Бироқ Тошкент тарихига бағишланган яхлит маҳаллий манбанинг мавжудлиги тўғрисида бир тўхтамга келинмаган. Шу сабабли бўлса керак, айрим хорижий тадқиқотчилар ҳозирги кунда ҳам Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олингунга қадар бўлган даврини ёритувчи маҳаллий ёзма манбалар йўқ, деб хулоса чиқармоқдалар ва фақат рус манбаларига таяниб иш кўрмоқдалар⁴¹.

Ўрта асрлар Шош воҳаси тарихи ва маданиятига доир тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, амалга оширила бошлаганини қайд этиш лозим.

Амир Темур ва темурийлар даврида Шош тарихига оид О.Бўриев⁴² мақолалари эълон қилинган. Шайх Зайниддин Куйи Орифон Тошкандий ҳақида марҳум О.Файзуллаев⁴³ қатор мақолалар ёзган. Муҳими, ўзининг аждоди Шайх Зайниддин шажараси тўғрисидаги тарихий ва қозилик ҳужжатларини илмий истифодага киритган.

Марказий Осиё халқлари ўртасида Занги ота Ҳимматий сифатида қадрланган мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти ҳақида марҳум Т.Файзиев, А.Саидовларнинг рисола ва китоблари нашр қилинган⁴⁴.

Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Убайдулло Аҳрор фаолияти бўйича ҳам қатор мақола, рисола ва китоблар босмадан чиққан⁴⁵.

⁴⁰ Қаранг: Тошкентнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ҳақида (Адабиётларнинг библиографик рўйхати) -Т.,1983. -Б. 7.

⁴¹ Қаранг: Jeff Shadoo. Russian colonial society in Tashkent 1865-1923. Indiana University Press. 2007. –P.12.

⁴² Бўриев О. XIV-XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар хусусида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. –Т.: Фан, 2009. –Б.191-192.

⁴³ Файзуллаев О. Сухравардия тариқати // “Мулоқот” журнали. 1998 йил 6-сон; Шайх Зайниддин Кўйи Орифон Тошкандий / Масъул муҳаррир Нозим Хабибуллаев. -Т.: MERIUS, 2014. -Б. 6-7.

⁴⁴ Файзиев Т. Зангиота Ҳимматий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001. –Б.20; Саидов А. Ҳазрат Занги ота. – Т.: Шарқ, 2015.

⁴⁵ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.: Ёзувчи, 1994. -Б. 63-64; Яна қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-ҳаёт. . -Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б.291; Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. - Т.: Маънавият, 2003. -Б.14; Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. -Т.:Адолат, 2004. -546 б; Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва

Ўрта асрларга оид Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахот” асари ўзбек тилидаги табдили М.Ҳасаний, Б.Умрзоқлар томонидан амалга оширилган.

Ушбу параграфда Тошкентда фаолият кўрсатган олимлар тарихига доир манбалар, тадқиқотлар тарихнавислиги таҳлил этилган.

Маълумки, Шош воҳаси Сомонийлар давлати таркибида жуда ривожланган. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тез суръатлар билан ривожланиши, шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаклланиши, тоғ-конларининг кашф этилиши, кумуш-кўрғошин конларининг ишга тушиши марказдаги ҳокимият куч-қудратига катта ҳисса қўшди. Мазкур даврда воҳа Марказий Осиёдаги энг обод ўлкалардан бирига айлангани араб муаррихлари томонидан эътироф этилган. Жумладан, Ибн Ҳавқал Шош воҳасини шундай таърифлаган: “Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу каби жомеъ масжидлари кўп, обод ва фаровон қишлоқлари, қурилган иншоотлари кўп бўлган ўлка йўқдир”⁴⁶. Истахрий унинг бу сўзларини тасдиқлаган: “Шош ва Илоқда дарвозали шаҳарлар, деворлар, работлар, бозорлар ҳамда шаҳарда ариқлар кўпдир”⁴⁷.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам воҳанинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёти раванқ топиб, бу даврда Шош йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказига айланган.

Воҳада темир ҳамда мисдан турли буюм ва асбоблар, ёғочдан асбоб-ускуналар, маиший аҳамиятга эга буюмлар – эгар-жабдуғлар, ип ва ипак газламалар ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ўз навбатида, Буюк Ипак йўлида жойлашган Шошда бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Бу эса воҳада ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларининг бошқа ўлкаларга тарқалишида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, Шош ҳунармандлари томонидан ясалган камон, ўқ-ёйлар нафақат Мовароуннаҳрда, балки Шарқ мамлакатларида “Камони Шоший” номи билан машҳур бўлган⁴⁸.

IX аср охири – X аср бошларидан Тошкент ислом маънавий-маданий тарақққиётининг йирик марказига айланди. Бу ерда ҳам халифаликнинг марказий ҳудудларига хос бўлган маънавий юксалиш рўй берди⁴⁹.

Исломни жорий этган, ҳаёт йўли ёки диний фаолияти бевосита Тошкент билан боғлиқ, бўлган шайхлар ҳамда имомлар – таниқли дин арбоблари қабри устига X асрдан дастлабки мақбаралар қурила бошлади. Уларнинг қабрлари муқаддас саналиб, зиёратгоҳга айлантирилган. Бу зиёратгоҳлар атрофида кўпинча янги мақбаралар, шунингдек, чиллахоналарни ҳам ўз ичига олган қабристонлар вужудга келган. Бу

маънавиятида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжуманнинг тезис материаллари. Тошкент, «Sharq», 2004; Наврўзова Г., Раҳматова Г. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро, 2010. – Б.137-145.

⁴⁶ Абуль Касым ибн Хаукаль. Пути и страны / Перевод Е.К.Бетгера // Труды СаГУ. Археология Средней Азии. – Т., 1957. – С. 22.

⁴⁷ Истахри // BGA VII. – Р. 332-333.

⁴⁸ Қаранг: Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.45.

⁴⁹ Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: ART FLEX, 2009. – Б. 42.

мажмуалар ўрта асрларда шаҳар атрофидаги қишлоқлар билан тутшиб кетарди. Уларнинг кўпчилиги таникли фақиҳлар, шайхлар ва муҳаддислар яшагани учун ҳам халқ эътиборини тортган⁵⁰.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолий даҳа – Қаффол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайхонтахур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча деб юритилган.

Кўхна Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Ҳазрати Имом зиёратгоҳи пойтахтнинг бош ёдгорлик мажмуаларидан саналади. Мазкур жой атамаси шу ердаги асосий зиёратгоҳ — Тошкент (Шош)да туғилган, мусулмон оламининг имомларидан бири Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шоший макбараси номидан олинган.

“Ҳастимом” сўзи “Ҳазрати Имом” иборасининг қисқартирилган шаклидир. Маҳаллий халқ Имом Қаффол Шоший ҳурматидан бу жойни шундай атаган. У Тошкентнинг илмий-маданий, диний-маърифий марказларидан бири бўлган.

Тадқиқотда “Ҳастимом” мажмуасидаги “Қаффол Шоший макбараси”, “Бароқхон” ва “Мўйи Муборак” мадрасалари, “Намозгоҳ”, “Тилла Шайх”, “Ҳазрати Имом” (2007 йилда барпо этилган) масжидлари тарихи ва уларнинг минтақа ислом маданиятида тутган ўрни кўрсатиб берилган.

“Абу Бакр Қаффол Шоший ва унинг ислом дунёсидаги нуфузи” деб номланган иккинчи бобда Қаффол Шоший ҳаёти ва ижтимоий-маънавий муҳит, алломанинг муҳаддис экани (“Жавомиъ ал-калим” асари қўлёзмаси тавсифи), унинг дипломатик фаолияти, алломанинг нафақат Шош тарихи, балки ислом маданиятида тутган ўрни очиб берилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (291/904-366/976) фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича буюк алломалардан ҳисобланади. У моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шухрат қозонганлиги боис “ал-Қаффол”, яъни қулфчи, қулфсоз деган ном унинг таҳаллусига айланиб кетган.

Қаффол Шошийнинг Ислом оламидаги обрў-эътибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида Ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтишган. Жумладан, Ибн Халликон ўзининг “Вафоёт ал-аъён” (“Улуғ кишилар вафоти саналари”) китобида «Абу Бакр Қаффол Шоший ўз замонасининг имоми бўлган. У фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик фанлари ва шеър битиш бўйича Мовароуннаҳрдаги шофиъий мазҳабига мансуб олимлар орасида тенги йўқ бўлган. У Хуросон, Ироқ, Хижоз, Шом ва Суғур (Шимолий Сурия) сафарида бўлган, унинг донғи бу ўлкаларда ҳам кенг тарқалган», - деб қайд этган⁵¹.

IX асрдан бошлаб ханафий, шофиъий ва ханбалий мазҳаблари Марказий Осиёда ўз нуфузини ўтказа бошлаган. Хуросонда ханбалий

⁵⁰ Ўзбекистон мусулмонлари идораси Муқаддас кадамжонларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси йиғма материаллари.

⁵¹ Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён (وفيات الاعيان). -Байрут, 1998. -Б. 48.

мазҳабининг йирик намояндаси Шайхул-ислом Абдулло Ансорий (XI аср) эди.

Шофиъий мазҳабининг атоқли вакили сифатида Марказий Осиё бўйича шофиъийлар имоми тошкентлик Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший улуғланган⁵².

Ҳижрий III-IV асрларда Марказий Осиёда шофиъий мазҳаби ҳанафий мазҳаби билан рақобат қиларди⁵³. Ўша даврда Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф, Шош шаҳарлари Ўрта Осиёдаги мусулмон ҳуқуқшунослигининг асосий марказлари бўлиб, ушбу шаҳарларда ҳанафий ва шофиъий мазҳабидаги фақиҳлар фаолият олиб борганлар. Шофиъийлик Ўрта Осиёга ҳанафийликдан бирмунча кейинроқ тарқалган. В. Бартольд шофиъийлик Мовароуннахрнинг баъзи жойларига Шимолий Хуросондан аввалроқ тарқалган, деб таъкидлайди⁵⁴.

Самъоний шофиъийликни Марвга IX асрнинг иккинчи ярмида Абдан лақабли Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Жунужирдий томонидан ёйилган, Мовароуннахрга эса, хусусан, Шошга, шофиъийлик X асрнинг иккинчи ярмида ал-Қаффол ал-Кабир лақаби билан танилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Қаффол аш-Шоший томонидан ёйилган деб зикр қилади⁵⁵.

IX-XI асрларда шофиъий мазҳаби Хуросон, Туркистон ва Эронда катта эътибор қозонган эди. Хожа Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида таъкидлашича, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофиъий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Салжукийларнинг машҳур вазирларидан бири Амидул-мулк Абу-Наср ал-Кундурий ҳанафий мазҳабида, шунингдек, “Сиёсатнома” китобининг муаллифи Хожа Низомулмулк (1018-1092) шофиъий мазҳабида эдилар⁵⁶. Ўша даврда шофиъийлик ва ҳанафийлик ўртасидаги муносабатлар тарихчи олим А.Мўминовнинг қатор мақола ва рисоаларида баён қилинган⁵⁷.

Бу параграфда Қаффол Шошийнинг фаолияти ва асарлари ёритилган.

Абу Бакр Қаффол Шоший илмий меросида “Жавомий ал-калим” (“Қисқа иборали ҳадислар тўплами”) асари етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу китоб Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Имом ал-Бухорий шарҳлари тўпламидан олинган Расулуллоҳ (с.а.в) калималари жамланган⁵⁸. Бу асар қўлёзмасининг фото нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида В-977 рақам остида сақланади.

⁵² Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари.-Т.: Тошкент ислом университети, 2002. –Б.176.

⁵³ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима.- Б.315.

⁵⁴ Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в.9 т.1.-М.,1963.

⁵⁵ Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Са’да Абдулкарима ибн Муҳаммада ал- Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. -Т.: Фан, 1993. -С. 155.

⁵⁶ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари.-Т.: Тошкент ислом университети, 2002. –Б.176.

⁵⁷ Қаранг: Муминов А. Ханафитский мазхаб в истории Центральной Азии. Монография /Под ред. С. Прозорова. –Алматы: Қазақ энциклопедиясы, 2015. -400 с; Научное наследие ханафитских учёных Центральной Азии и Казахстана. Том 4. –Астана, 2018.

⁵⁸ Ҳожи Халифа (Мустафо ибн Абдуллоҳ ал-Қустантиний ар-Румий ал-Ҳанафий). Кашф уз-зунун (كشف الظنون). -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992. 1-жилд. -Б. 611.

“Жавомиъ ал-калим”нинг Тошкент нусхаси ҳижрий 1116 (мил. 1704-1705) йилда Асъад ибн Яҳё ал-Ҳилвоний томонидан қўлда кўчирилган. Демак, бундан уч аср олдин ҳам бу асарга нисбатан кенг халқ оммаси орасида эҳтиёж катта бўлганини кўриш мумкин.

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари 1970 йили Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирия” кутубхонасида сақланадиган “Жавомиъ ал-калим” асари қўлёзмаси (32 саҳифа)нинг фото нусхасини олиб келган.

Қаффол Шоший тўплаган ҳадислар қисқа, лўнда ҳамда маъноларга бойдир. “Жавомиъ ал-калим” маърифий ва дидактик аҳамиятга эгаллиги билан бошқа ҳадис тўплamlари ичида ажралиб туради. Ушбу асардаги ҳадисларда ислом дини аҳкомларидан ташқари, одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар таҳлил қилинган.

Қаффол Шошийни ўз даврида ислом дунёсида машҳур қилган дипломатик фаолиятига доир янги маълумотлар илмий истифодага киритилган. Муҳими, аллома муқаддас диний китоб – “Таврот”ни кўҳна ибрий тилидан араб тилига таржима қилгани билан боғлиқ тарихий воқеалар батафсил тадқиқ қилинган.

Шошлик аллома илмий салоҳияти (72 тилни билган) ўз даврида нафақат мусулмонлар, балки яҳудийлар томонидан ҳам эътироф этилган ва улар наздида ҳам юксак мақомга эришган. “Таврот”нинг таржимасига доир қимматли маълумотлар қўлёзма ва тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган.

“Ўрта асрларда Шошда ҳадис илмининг ривожланиши ва муҳаддислар мероси” деб номланган учинчи бобда ўрта аср манбаларида “Шоший” нисбасидаги муҳаддислар ҳаёти, уларнинг ислом мамлакатлари илмий марказларидаги фаолияти тадқиқ этилган. Шошлик муҳаддисларнинг минтақа ҳадис илми ривожига тутган ўрни таҳлил этилган. Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг “Муснад” асари тадқиқ қилинган.

Милодий IX аср ҳадис илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис “Ҳадис илмининг олтин асри” деб юритилади. Чунончи, VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланиб борган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муҳаддис шуғулланган⁵⁹. Насафлик аллома Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) “Китоб ал-қанд” ва марвлик тарихчи Абу Саъд Самъоний (1113–1167) “Китоб ал-ансоб” асарларида Мовароуннаҳр шаҳарларида фаолият юритган муҳаддислар ҳақида қимматли маълумотлар келтиришган.

“Китоб ал-қанд” ва “Китоб ал-ансоб” каби манбаларда берилган маълумотларга кўра, VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёти ва фаолияти Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу

⁵⁹ Қаранг: Уватов У., Усмонов И., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н ва бошқалар. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Монография. -Т.: Мовароуннаҳр, 2011. -Б.10–11; Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавийа / Таржимон – У.Уватов. -Т.: Чўлпон, 1993. -Б.4.

билан бирга, Уструшана, Дабусийа, Кушонийа ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар⁶⁰.

Юқоридаги рақамлар Шош ҳам мусулмон Шарқидаги илмий-маданий марказлардан бири эканини тасдиқлайди. Воҳада ҳадис илми ривожланган ва бу ердан етишиб чиққан муҳаддислар ислом дунёсининг турли марказларида илмий фаолият олиб бориб, шуҳрат қозонганлар.

Тадқиқотда ўрта асрлар Шош воҳаси тарихини ўрганишда унинг атрофида жойлашган шаҳарлардаги ижтимоий ва маданий муҳит қиёсан таҳлил этилган. Маълумки, салжукийлар ҳукмронлиги даврида Марв илм-маърифатнинг йирик ўчоқларидан бири бўлган. Бу ўринда салжукийларнинг буюк вазири Низом ал-Мулк (1017-1092)нинг хизматлари беқиёсдир. У бутун салжуқ империяси бўйлаб “Низомия” номи билан аталувчи кутубхонага эга мадрасалар ташкил қилишни бошлаб берган.

Тарих фанлари доктори Ш.Камолиддиновнинг⁶¹ таъкидлашича, ўша пайтда салжукийлар давлатининг пойтахти – Марвда 10 та нуфузли кутубхона бўлиб, шундан икkitаси Самъонийлар сулоласига тегишли эди. Самъонийларнинг ниҳоятда бой ва нодир икки кутубхонасининг эшиги барча кишилар учун очиқ бўлиб, бу ерга мусулмон дунёсининг турли чеккаларидан олимлар ташриф буюрган. Хусусан, Шош воҳасидан ҳам муҳаддислар, фақиҳлар ва бошқа олимлар Марв илмий даргоҳларида нафақат таълим олган, балки шу ерда ислом илмларидан сабоқ берганлар.

Минтақада “Муснад” туркумидаги ҳадис тўпламларини биринчи бўлиб, Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ал-Марвазий, шунингдек, Имом ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ва бошқалар туздилар”.

Марв Хуросоннинг илмий-маданий маркази⁶² бўлиб, бу ерда яшаган муҳаддислар билан шошлик муҳаддислар ўртасидаги илмий ҳамкорлик тадқиқотнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Жумладан, Абулфазл Муҳаммад ибн Сулаймон ибн ал-Ҳасан ибн Абу Амр ал-Фандиний ал-Марвазий Марвнинг Фандин қишлоғидан бўлиб, у Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший, Абулқосим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Зоҳирий ва бошқалардан ҳадис ўрганган⁶³.

Тадқиқотда Марвда яшаган муҳаддислар билан шошлик олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган.

Шош воҳасида ҳадис илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ, Самарқанд, Бухоро, Хива, Насаф, Термиз, Марв каби

⁶⁰ Рахимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фан. номз... дисс. – Т: Тошкент ислом университети, 2003. –Б. 13.

⁶¹ Қаранг: Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Са’да Абдулкарима ибн Муҳаммада ал- Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. -Т.: Фан, 1993. -С.11-13.

⁶² Қаранг: Булгаков П.Г. и Вахабова Б.А. Средневековые ученые Мерва. -Ашгабад, 1978. -С. 44. Шу манбанинг 44-бетига қаранг: IX аср араб географи Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фақиҳ Марвни «Мадина Хуросон» (Хуросон шаҳри) деб атаган.

⁶³ SD-disk: Ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. Аммон: Турос электрон-тадқиқот маркази, 1999. Абу Са’д Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сам’оний. ат-Таҳбир фи му’ҷам ал-кабир (التبهير في المعجم الكبير). 2-жилд. - Б. 133.

турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этган.

Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шоший, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший, Абуллайс Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Шоший Тункатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр ибн Ҳокон Шоший каби кўплаб муҳаддислар ислом дунёсининг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ҳадис илмидан сабоқ беришгани, кутубхоналарда турли диний билимларнинг айрим масалалари бўйича мунозаралар ўтказишгани билан боғлиқ тарихий маълумотлар илмий истифодага киритилган.

Шош воҳасида ўрта асрларда кўплаб муҳаддислар фаолият кўрсатган. Улар орасида “Имом Шоший” сифатида танилган ишончли муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший номини алоҳида қайд этиш мумкин.

Имом аш-Шошийнинг “ал-Муснад” (“ал-Муснад ал-Кабир”) номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган “Мактабат ал-Асад” номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу қимматли асар 1990 йилда Дубай шаҳридаги “Марказ ад-даъват вал-иршод” аъзоси, йирик ҳадисшунос олим, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи Мунавварада нашр этилган⁶⁴. Мазкур китобнинг мавзуси унинг “Муснад” номидан маълум бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. “Муснад” китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, имон-эътиқодга даъват этувчи ҳадислар билан бир қаторда, кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар ҳам ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби **“Шош воҳаси фақиҳларининг ислом дунёси марказларидаги хизмати”**га бағишланган. Унда Шошда фикҳ илмининг шаклланиши, шошлик фақиҳларнинг Бағдод фикҳ мактабидаги фаолияти тадқиқ қилинган. Шунингдек, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший фаолияти ва унинг “Ҳилят ул-уламо” асари билан боғлиқ маълумотлар таҳлил этилган.

Мовароуннаҳр фикҳ мактаби буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараққиётига кўтарилган ислом қонуншунослиги — маънавий-ҳукукий меросимизнинг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар

⁶⁴ Қаранг: Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший. ал-Муснад (المسند). -Мадинаи мунаввара: Мактабат ал-улулум вал-ҳикам, 1990. 1-жилд. -Б. 14-17.

давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келган⁶⁵.

Ўрта асрларда нафақат Мовароуннаҳрда, балки илм-фан ва маданият маркази бўлган Бағдодда ҳам шошлик фақиҳларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, Шош фикҳ йўналишининг йирик намояндаларидан бири – Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар аш-Шоший араб манбаларида “Фаҳр ал-ислом” (“Ислом фаҳри”) ва “Имом ал-Кабир” (“Катта имом”) деган номлар билан зикр этилади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший 429/1038 йилда туғилиб, Бағдодда таълим олган. У ерда шайх Абу Исҳоқ аш-Шерозий билан танишиб, ундан дарс олган. Шунингдек, Абу Наср ибн Саббоғдан фикҳни ўрганиб, таниқли имом даражасига етади⁶⁶. Шошлик аллома араб адабиёти, шеърияти, тилшунослиги, Қуръон, ҳадисни ҳам пухта эгаллаган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший (1038-1114)ни таниқли исломшунос Ризоуддин Фаҳриддин ўзининг «Имом Ғаззолий» асарида Абу Бакр Шоший Абу Исҳоқ Шерозий, Абулқосим Қушайрий, Ҳаририй (соҳиби мақомот), Абу Исҳоқ Воҳидий, Хатиб Табризий, Хатиб Бағдодий, Қози Байзовий каби йирик олимлар замонида яшаган эди», деб ёзган⁶⁷.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг йирик асари “Ҳилйат ал-уламо” («Ҳилйат ал-уламо фи мазоҳиб ал-фуқаҳо») бўлиб, уни аббосий халифаларидан ал-Мустазҳир Биллоҳга (ваф. 512/1118) бағишлаб ёзган⁶⁸. Бу катта китоб бўлиб, уни Аббосий халифа Мустазҳир маъқуллаган. Шунинг учун бу китоб “Мустазҳирий” деб ҳам номланган⁶⁹. Ана шу китоби туфайли Абу Бакр Шоший “Мустазҳирий” деган ном таратган ва тарихий манбаларда унинг таҳаллуси ёнида бир унвон сифатида ёзиб келинади⁷⁰.

Абу Бакр Шоший халифа ва унинг саройида катта обрў ва ҳурматга эга бўлган. 1094 йили аббосийлар халифаси Мустазҳир тахтга ўтиргач, уни муборакбод этишга саройга борган олимлар ичида Шоший номи бир қатор ўрта аср араб манбаларида зикр этилган.

Ўрта асрлик библиограф Ёкут Ҳамавий ўзининг “Мўъжам ал-булдон” асарида “Ҳилйат ал-уламо” китобининг ислом фикҳидаги аҳамияти ҳақида шундай ёзган: “Ҳилйат ал-уламо фи маърифати мазоҳиб ал-фуқаҳо” китобига назар ташлаган киши турли мавзу бўйича мазҳаблар – ҳанафий, моликий, шофиъий, ҳанбалийнинг фикҳий масалалари (қавллари) қисқача ифодалангани жиҳатидан шофиъий фақиҳларининг энг муҳим манбаси эканлигини кўради”.

⁶⁵ Саидов А. Усул ул фикҳ – ислом қонуншунослигига кириш // Усул ул фикҳ. -Т.: Адолат, 1997. -Б. 207.

⁶⁶ Тожуддин Субкий. Табақот аш-шофиъия ал-кубро (طبقات الشافعية الكبرى) -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999. 3-жилд. -Б.341; Шамсуддин Заҳабий. Сийар а’лом ан-нубало (سير اعلام النبلاء). -Байрут. Муассасат ар-рисола, 1992.19-жилд -Б.393.

⁶⁷ Ризоуддин Фаҳриддин. Имом Ғаззолий. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 9122. 16-саҳифа.

⁶⁸ Қаранг: Кашф аз-зунун. (كشف الظنون). 1-жилд. -Б.6; Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар.-Т., 1983 -Б. 17.

⁶⁹ Кашф аз-зунун. (كشف الظنون). 1-жилд. -Б. 6; Такмилат ал-икмол. 3-жилд. -Б. 488.

⁷⁰Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар.-Т.,1983. -Б. 17.

“Ҳияят ал-уламо” да мавзулар содда ва рагон усулда ифодаланган. Ўрта асрлик фақиҳларнинг таъкидлашича, фикҳ китобларини кўриб чиқувчи киши учун мазкур асар энг муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, мазҳабларни бири-бирига солиштиришни хоҳлаган киши излаганини “Ҳия”дан топади. Чунки унда муаллиф барча қавл ва раъйларни муфассал келтирган, қиёсий фикҳ бўйича ёзилган асарлар билан танишиб чиққан.

“Ҳияят ал-уламо фи маърифати мазҳаб ал-фуқаҳо” китобининг муаллиф томонидан ёзилган асл нусхасини топишнинг иложи йўқ. Китоб кўлёзма нусхаларининг дунё кўлёзма фондлари ва кутубхоналарда жуда кам эканлиги ҳам ажаблантиради. Асарнинг кўлёзма нусхалари қуйидаги кутубхоналарда сақланиши аниқланди:

Аёсофия (Туркия) № 1138. 614 йилда кўчирилган. 1-жилд. 203 варак; 2-жилд. 252 варак; № 1137.

Дор ал-кутуб ал-масрия (Миср) № 265. 645 йилда кўчирилган. 282 варак; № 216. 1323 йил кўчирилган; № 267; № Б. 24893. 1370 йилда кўчирилган. 485 варак. Ҳусайн Фаҳмий ибн Хаттоб кўчирган. 2 жузъ.

Тўпқопи сарай (Туркия) № 4468 А.877. 837 йилда кўчирилган. 200 варак; № 4469 А.1048/1. 864 йилда кўчирилган. 288 варак. 1-жилд; № 4470 А.1048/2. 864 йилда кўчирилган. 279 варак. 1-жилд.

Тадқиқот ишида асарнинг кўлёзма нусхалари тадқиқ қилинган.

Ҳожи Халифа ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида: “Ҳияят ал-уламо фи мазоҳиб ал-фуқаҳо” (“Фақиҳлар мазҳабида олимлар зийнати”) асари муаллифи ал-Мустазҳирий⁷¹ деб танилган Шайх Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Қаффол аш-Шоший, - деб ёзади⁷². Тошкент олимлари бўйича маълумотлар тўплаган шарқшунос А.Носиров “Кашф аз-зунун”даги ушбу фикрга таяниб, “Мустазҳирий Қаффол Шошийнинг авлодларидан эканлиги маълум бўлади», - деб қайд этган⁷³. Ёқут ал-Ҳамавий “Муъжам ал-булдон” асарида “Тарғиб фил-фуруъ” (“Фуруъга қизиқиш уйғотиш”) китоби муаллифи «Фаҳр ал-Ислом» Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қаффол аш-Шоший бўлиб, 507/1114 йилда вафот этганлигини таъкидлаган⁷⁴. Лекин кўп манбаларда у “Фаҳр ал-ислом”, “Мустазҳирий”, “Шайх”, “Имом” номлари остида зикр этилади. Аммо уларда унинг Қаффол Шошийнинг авлодларига тегишли эканлиги айтилмаган.

Буюк аллома Абу Бакр Қаффол аш-Шошийнинг ўғли Абулҳасан ал-Қосим ва унинг «ат-Тақриб» (тўлиқ номи «ат-Тақриб фил-фуруъ» - «Фуруъга яқинлашиш») асари тўғрисидаги маълумотлар муомалага киритилган.

IX-XII асрларда илм-фан ва маданият марказларидан бири Бағдодга «Шоший» нисбасидаги бир қатор олимлар: машҳур муҳаддис Абу Саъид

⁷¹ Шошлик фақиҳ ўзининг бу асарини аббосийлар халифаси ал-Мустазҳир (ваф. 512/1118)га бағишлаб ёзган. Шундан сўнг китоб муаллифи «Мустазҳирий» номи билан машҳур бўлиб кетган.

⁷² Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун (كشف الظنون). -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992. 1-жилд. -Б. 690.

⁷³ Носиров А. Тошканд олимлари ва шоирларига оид материаллар. ЎзР ФАШИ кўлёмалар фонди. Инв. № 13409. V жилд. 682-саҳифа.

⁷⁴ Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал-булдон (معجم البلدان) 1-жилд. -Б. 401.

ал-Хайсам ибн Кулайб Шоший⁷⁵, Жа'фар ибн Шуайб Шоший⁷⁶, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закариё аш-Шоший⁷⁷, ал-Ҳасан ибн Соҳиб Шоший⁷⁸, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший⁷⁹, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший⁸⁰ ва бошқалар ташриф буюрган. Бу шаҳарда улар илм ўрганиш билан бир қаторда мударрис, фақиҳ, имом сифатида фаолият кўрсатганлари ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда Шош воҳасидан етишиб чиққан фақиҳлар фаолияти ёритилган.

Бешинчи боб **“Шош тасаввуф мактаби намояндаларининг минтақа ижтимоий-маданий ҳаётида тутган ўрни”** деб номланган. Мазкур бобда Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тафаккурига бекиёс ҳисса қўшган валий зотлар: Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Умар Валий Боғистоний, Шайх Хованди Таҳур, Хожа Убайдулло Аҳрорларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар таҳлил этилган.

Мўғуллар истилоси даврида маданият таназулга учраган. Соҳибқирон Амир Темур бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, Сирдарё ортидаги чегара минтақаларни ҳам ўз қаламравига олди. Унинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги йилларида Тошкентнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Амир Темур азиз авлиёлар, шайхлар ва суфийларга ҳомийлик қилар ҳамда мақбаралар, масжиди жомелар, дарвешлар макон топган хонақоҳлар қурилишини ташкил қиларди. Жумладан, унинг амри билан Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний номи билан боғлиқ муқаддас жой юзага келди.

Соҳибқирон “Рости русти” иборасини 1357 йили Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг кичик ўғли Шайх Зайниддиндан олгани⁸¹, шунингдек, Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол суҳравардия тариқатига бефарқ бўлмаганини кўришимиз мумкин. Сухравардийнинг кичик ўғли Шайх Зайниддин (1164–1259) Тошкентга келгани ёзма манбалардан маълум.

Тоҳир эшон Хивақийнинг “Тазкираи накшбандия” қўлёзма асарида Ҳазрати Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкандий қаддасаллоҳу таоло руҳахунинг зикри ҳақида шундай ёзилган: “У замон шайхи, у жаҳон муктадоси, у ақлий ва нақлий илмларга олим, у шариати мустафавияга омил (амал қилувчи), у ислом ва мусулмонларнинг зийнати, у қиёмат кунигача толибларнинг йўлбошчиси, яъни Ҳазрати Шайх Зайниддин нуввира марқадухудир. У зот ҳам Ҳазрати Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобларидан бўлганлар. Шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг ўғилларидирлар. Байт:

⁷⁵ CD-диск: ал-Мактабат алфия ли суннати набавия.-Аммон: Турос электрон-тадқиқот маркази, 1999. Абдулғани Бағдодий. ат-Такйид (التقييد). 1-жилд. -Б. 479.

⁷⁶ Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод ав мадина ас-салом (تاريخ بغداد اوالمدينة السلام). -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. 7-жилд. -Б. 195. (Бундан кейин “Тарихи Бағдод ав мадина ас-салом”).

⁷⁷ Тарихи Бағдод ав мадина ас-салом (تاريخ بغداد اوالمدينة السلام)..3-жилд. -Б. 216.

⁷⁸ CD-диск: ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. -Аммон: Турос электрон-тадқиқот маркази, 1999. Тазкират ал-хуффо (تذكرة الحفاظ). 3-жилд. -Б. 780; Тарихи Бағдод (تاريخ بغداد اوالمدينة السلام) 7-жилд. -Б. 333.

⁷⁹ Муъжам ал-булдон (معجم البلدان) 3-жилд. -Б. 382.

⁸⁰ Тарихи Бағдод ав мадина ас-салом (تاريخ بغداد اوالمدينة السلام). 4-жилд. -Б. 392.

⁸¹ Фасиҳ Ҳавофий. Мужмали Фасиҳий. -Б.103.

*Баъди Юсуф нишаст Зайниддин,
Тожи сар омада ба аҳлиддин.*

(Мазмуни: Юсуф Ҳамадонийдан сўнг Зайниддин Кўйи орифоний ўтирдилар, дин аҳлининг бошига тож бўлдилар).

Ҳазрати Хожа Аҳрор алайҳирраҳма Зайниддин бобо қабри зиёратига кеча-кундуз борар эдилар... Шайх Зайниддин бобонинг муборак қабрлари Тошканддадир”⁸².

Амир Темур барпо этган иншоотлардан яна бири – Занги ота зиёратгоҳи Марказий Осиёдаги ноёб тарихий обидалардан саналади. Унинг асл исми – Ойхожа ибн Тошхожа (ваф.1258 й.) бўлиб, Яссавия тариқатининг машҳур намояндаларидан биридир. Навоий бу зотни шундай таърифлаган: “Занги ота алайҳи-р-рахма Туркистон машойихидиндур. Кўп машойих хидмату суҳбати-ға етибдур. Ва турк улусида машохирларидиндур. Онинг бобида ҳам кўп сўз манқулдур”⁸³.

Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, Занги ота мақбараси иморатини Амир Темур бино қилган. Мозорнинг уч томонидаги иморатни Нормуҳаммад қушбеги мадраса қилиб, хужралар солган. Қаноат оталиқ эса, 1870 йилда айвонни олиб ташлаб, пишиқ ғиштдан масжид қурдирган, гумбазларни таъмирлаган. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ёзилишича, ҳар йили қовун пишар маҳали шаҳар аҳолисининг ақобирлари уч кун у ерга сайр ва саёҳат қилишга келганлар ва бу томоша атроф шаҳарларга ҳам маълум бўлган⁸⁴.

Занги отанинг ўзи ҳақида маълумот берувчи манбалар жуда кам. Сўфий авлиёлар маноқиблари – агиографик манбаларида у Ҳаким отанинг шогирди бўлганлиги таъкидлаб ўтилган. Ўз навбатида, Ҳаким ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг шогирдидир⁸⁵. Ривоятларга кўра, Занги отанинг ҳам Узун Ҳасан ота, Садр ота, Бадр ота ва Сайид ота каби шогирдлари бўлган⁸⁶.

Яссавия тарихини ўрганиш бўйича замондош тадқиқотчи, америкалик профессор Девин Де-Уизнинг фикрича, бу силсила занжири тарихий нуқтаи назардан юзага келган, яъни XV–XVI асрларда тарқалган⁸⁷.

Занги ота мажмуаси Тошкент воҳасида машҳур бўлган. Қўлёзма манбалар ҳамда саёҳатчиларнинг маълумотларига кўра, бу ерда XX асрнинг бошларигача “зикри жаҳр”, яъни Аллоҳни овоз чиқариб ёдга олиш каби сўфийлик маросимлари ўтказиб келинган⁸⁸.

⁸² Тоҳир эшон Хивакий. Тазкираи нақшбандия. ЎзР ФАШИ Қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 855. -60а варак.

⁸³ Алишер Навоий. Насойим ал-муҳаббат мин шамойим ал-футувват. ЎзР ФАШИ Қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 5420, 89^а–89^б в. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами: 20 томлик. 17-том. –Т.: Фан, 2001. –Б.322.

⁸⁴ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б. 193.

⁸⁵ Фуод Кўрлу. Ahmed Yesevi. V. 34; Яна қаранг: Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Кириш.

⁸⁶ Кашифи. Рашахат, II. -С. 32-33.

⁸⁷ DeWeese, Devine. Yasavian legends. P 1–19; Ibid. The Masha’ikh-iTurkand the Khojagan, P. 187.

⁸⁸ Бустан ул-Мухиббин. Предисловие к изданию; Бабаджанов Б. Собрание фетв по обоснованию зикра джаҳр и сама’ // Введение; Залеман. Легенда про Хакимата. С. 110–112; Боровков А.К. Узбекский литературный язык в 1905–1917 гг.

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Нанай ва Бурчмулла қишлоқлари оралиғида Боғистон қишлоғи, яъни “боғлар ўлкаси” жойлашган. Боғистон Умар Валий мажмуаси ёки Мозори Шахмар бува зиёратгоҳи бўлиб, у Мозорсой ва Пском дарёлари кесишган жойда, қишлоқнинг ғарбий қисмида жойлашган⁸⁹. Боғистон қишлоғида туғилган Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган йили номаълум, 691/1291 йилда вафот этган⁹⁰.

Боғистонийлар шажараси бевосита Шайх Умар Валийдан бошланади. Мавлоно Муҳаммад Қози “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин” асарида шундай ёзган: “Бизнинг Ҳазрати Хожамиз (Хожа Аҳрор)нинг оналари Хожа Довуднинг қизлари бўлган. У Шайх Хованди Тахурнинг ўғиллари бўлган. У зот эса – Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Улар эса ўн олти восита ила Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумага етишадилар. Хожа Довуднинг оналари эса ота тарафдан саййида (саййидзода) бўлган. Шайх Хованди Тахурнинг оналари ҳам саййидлардан бўлган”⁹¹.

Шайх Умар Боғистоний бухоролик Шайх Ҳасан Булғорийнинг муриди (шогирди)дир. У шайх Ҳасан Булғорий кўлида валоят даражасини топгани туфайли ўз пири каби Шайх номига мушарраф бўлган⁹². Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин унинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобида унинг ўз ўғли Хованд Тахурга айтган куйидаги сўзларини келтиради: “Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл”⁹³. Шайх Умар Боғистонийнинг ушбу сўзлари, айниқса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шайх Хованд Тахур қатор асарлар ҳам яратган. «Рисола дар масойили шарият ва тариқат» («Шарият ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), «Рисолаи даҳ шарт» («Ўнта шарт ҳақида рисола»), «Рисола дар аркони ислом» («Ислом арконлари ҳақида рисола»), «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар нодир манбалар ҳисобланади⁹⁴. Уларда ислом арконлари, инсоннинг покланиши ва камолга етиши, шарият ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари баён этилган.

Диссертацияда Шайх Хованд Тоҳур зиёратгоҳидаги тарихий обидаларнинг Тошкент маданий ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинган.

Хожа Убайдулло Аҳрор (1404-1490) – нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айна пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба кор» («Қалбинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат шиорини амалда юксак мақомга етказган шахс. Хожа Убайдуллоҳнинг болалик даври

⁸⁹ Тошкент атрофлари бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А. Урманова при участии Н.Нижевской, В. Газиева. – Т.: Ташкентбошпланлити, 2012. – С.89.

⁹⁰ Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. -Т., 2004. -Б.5.

⁹¹ Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎЗР ФАШИ қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 6114. 41 а-варақ.

⁹² Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. –Т.: Тошкент ислом университети, 2015. -Б. 6.

⁹³ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. -Б.271.

⁹⁴ Қаранг: Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. -Т., 2004.

Тошкентда ўтган. У мактабга борган, турли китобларни мутолаа қилган ҳамда тошкентлик алломаларнинг, хусусан, Абу Бакр Қафғол Шоший, Шайх Хованди Тахур, Шайх Зайниддин Куйиорифонларнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиққан, уларнинг мақбараларини доимо зиёрат қилиб турган. Кейинчалик Хожа Убайдуллоҳ бу зиёратлардан олган таассуротини шундай ҳикоя қилган: “Ёшлигимда ҳазрати Шайх Абу Бакр Қафғолнинг нурли мазорини зиёрат қилаётганимда ҳазрати Исони туш кўрдим. У ҳазрат менга илтифот қилиб, шундай дедилар: ғам ема, сенинг тарбиянгни биз ўз зиммамизга олганмиз. Ҳазрати Исо каминани ўз тарбиялари остига олганликлари туфайли бу фақирда ўлган қалбларни тирилтириш сифати аён бўлди...”⁹⁵.

Хожа Аҳрор фаолияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Айрим тадқиқотчилар у сиёсатга аралашиб, тасаввуфнинг сиёсийлашувига сабаб бўлди деса, бошқа тадқиқотчилар эса унинг ижтимоий мавқеи, темурий ҳукмдорларга ўтказган таъсири ҳақида таъкидлашган⁹⁶.

Тадқиқот ишида ўз даврида “аҳли тариқат пешвоси”, “яхшилар кутби ва авлиёси”, “халқ раҳнамоси ва ғамхўри” каби сифатлар билан улуғланган Хожа Аҳрор фаолияти ҳақида тарихий манбалардаги маълумотлар таҳлил қилинган.

ХУЛОСА

“Ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрта асрларда Шош ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳамда илмий салоҳияти билан Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаган. Буюк Ипак йўли карвонлари қатновининг муҳим нуқталаридан бирида ҳамда Мовароуннахрнинг чегара қисмида жойлашган Шош воҳаси жўғрофий жиҳатдан ҳам кенг имкониятларга эга бўлгани манбаларда келтирилган.

2. IX-XII асрлар маданият тараққиётида муҳим аҳамиятга молик бўлиб, “Уйғониш”, ислом манбаларида “Олтин давр” сифатида талқин этилади. Ушбу давр Марказий Осиё халқларини дунё маданиятида машҳур қилди. Муҳими, алломалар ислом динини таълимот ва маданият даражасига кўтариб, ислом илмларида фундаментал асарлар яратганлар. Бу тарихий,

⁹⁵ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.:Ёзувчи, 1994. -Б. 63-64; Яна қаранг: Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. . -Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. -Б.291; Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. -Т.: Маънавият, 2003. -Б.14; Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. -Т.:Адолат,2004. -Б. 197.

⁹⁶ Қаранг: Бартольд В.В. Бартольд В. Мистицизм в исламе. Соч. Т. 6. Ислам. – М.: Наука, 1968; Вяткин В. Из биографии Хаджи Ахрара // Туркестанские ведомости. 1904. № 147; Больдырев А.Н. Еще раз к вопросу о Хадже-Ахраре // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма: Сб. статей. М.: 1985; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с англ. А.А.Ставиской, под редакцией и с предисловием О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989; Бабаджанов Б. К вопросу о восприятии статуса суфийского шейха (на примере Хаджа Ахрара) //Arabia Vitalis. Арабский Восток, ислам, древняя Аравия. Сборник статей в честь В.В.Наумкина. -Москва, 2005.-С.177-190

илмий-маданий жараёнларга Шош воҳаси олимлари ҳам катта ҳисса қўшганлар.

3. Шош воҳаси Сомонийлар давлати таркибида жуда ривожланган. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тез суръатлар билан ривожланиши, шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаклланиши, тоғ-конларининг кашф этилиши, кумуш-қўрғошин конларининг ишга тушиши марказдаги ҳокимият қудратига ҳисса қўшгани таҳлил қилинди. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам воҳа ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёти раванқ топиб, бу даврда Шош йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланган.

4. “Ҳастимом” мажмуасидаги “Қафғол Шоший мақбараси”, “Бароқхон” ва “Мўйи Муборак” мадрасалари, “Намозгоҳ”, “Тилла Шайх” масжидлари тарихи ва уларнинг минтақа ислом маданиятида тутган ўрни кўрсатиб берилди.

Шош ҳам Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива ва бошқа шаҳарлар каби бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлгани ўзининг исботини топди.

5. Ҳазрати Имом – Қафғол Шошийнинг ҳаёти ва фаолияти ўрта аср араб муаллифлари Ёкут ал-Ҳамавий, Шамсиддин аз-Заҳабий, Шараф ан-Нававий, Тожуддин ас-Субкий, ибн Халликон, Абу Саъд ас-Самъоний кабиларнинг муҳим асарларига таяниб, алломанинг ҳаёт йўли, шофий мазҳабининг тарқалишига оид тарихий маълумотлар илмий истифодага киритилди.

Қафғол Шошийнинг тўққизта асари мавжудлиги аниқланди. Унинг асарлари қисқача шарҳланиб, ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида тутган ўрни асослаб берилди. Қафғол Шошийнинг Ўзбекистонда ягона нусхадаги “Жавомий ал-калим” асари ҳадис илмида катта аҳамият касб этади.

Қафғол Шошийнинг дипломатик фаолиятига доир иккита тарихий воқеа бирламчи манбалар ёрдамида тадқиқ ва таҳлил этилди. Муҳими, Қафғол Шоший томонидан муқаддас диний манба – “Таврот”нинг таржимасига доир тарихий маълумотлар илмий истифодага киритилди.

6. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Урганч, Шош каби шаҳарлар қатори Марв ҳам илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланган. Марв, айниқса, XI асрда салжуқий Султон Санжар (1118-1158) мамлакатининг пойтахтига айлангач, шаҳарнинг илмий ва маданий ҳаёти янада ривожланган, янги кутубхоналар очилган. Бу эса Марвни Хуросоннинг илмий-маданий марказига айлантирган. Ушбу марказ фаолиятида шошлик муҳаддислар ҳам етакчи ўрин эгаллаган. Айрим шошлик муҳаддислар Марвга келиб, шу ерда қолиб кетган. Марвда яшаган муҳаддислар билан шошлик олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари ўрганилиб, таҳлил этилди. Натижада, Абу Саъид Исо ибн Солим аш-Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм аш-Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз аш-Шоший, Абуллайс Наср ибн ал-Ҳасан ибн Қосим аш-Шоший

ат-Тункатий каби 70 га яқин муҳаддислар номлари аниқланиб, илмий истифодага киритилди.

7. Ўрта аср араб манбаларида ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган, Имом аш-Шоший номи билан шухрат қозонган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший (ваф. 947)лар фаолиятига доир изланишлар илмий истифодага киритилди.

Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший қаламига мансуб “Муснад” (“Муснади Шоший”) асари тадқиқ қилинди. Асар мавзуси унинг “ал-Муснад” номидан келиб чиқиб, шошлик муҳаддис уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва уларнинг ҳар бири ривоят қилган ҳадисларни жамлаган.

8. Ўрта асрларда Шошда фикҳ илми ҳам тараққий этгани ўзининг исботини топди. Бунда, айниқса, шошлик фақиҳлар Бағдод ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ҳаётида муҳим роль ўйнагани ўрта аср араб манбалари асосида аниқланди.

IX-XII асрларда илм-фан ва маданият марказларидан бири Бағдодга “Шоший” нисбасидаги бир қатор бошқа олимлар – машҳур муҳаддис Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Жаъфар ибн Шуаъб Шоший, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закарийё аш-Шоший, ал-Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший ва бошқалар ташриф буюргани аниқланди. Бу шаҳарда улар илм ўрганиш билан бир қаторда мударрис, фақиҳ сифатида фаолият олиб борганлар.

Шошлик фақиҳлар фаолиятида Бағдод илмий марказининг тутган ўрни араб манбалари ёрдамида тадқиқ этилиб, Абулҳасан ал-Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид ал-Имом аш-Шоший, Тоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Илоқий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон ал-Илоқий каби 20 дан ортиқ шошлик фақиҳлар номлари аниқланди. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар араб манбалари асосида таҳлил қилинди.

9. Шош фақиҳлари орасида Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ислом дунёсида машҳур бўлган. Хусусан, унинг йирик фақиҳ Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср ибн ас-Саббоғ ва бошқа олимлардан таълим олгани аниқланди. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший устози Абу Исҳоқ Шерозий вафотидан кейин шофиъий мазҳабидаги фуқаҳоларнинг раиси, “Фаҳрул-ислом”, “Имом ал-кабир” даражасини олган, унинг фаолияти ва “Ҳилят ул-уламо” асари тадқиқ этилди. Бу асарда ҳанафий, моликий, шофиъий, ҳанбалийнинг фикҳий масалалари (қавллари) қисқача ифодаланиб, шофиъий фақиҳларининг энг муҳим манбаси саналган.

10. Амир Темур ва темурийлар даврида Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожланишида тасаввуф соҳасида Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Умар Валий Боғистоний, Шайх Хованди Таҳур, Хожа Убайдулло Аҳрор валий каби 10 дан ортиқ суфийлар минтақа ислом маданиятида катта ўрин тутган.

11. Шайх Хованд Тахур, Занги ота мақбаралари ҳамда Мўйи Муборак, Бароқхон мадрасалари, шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидаларига доир маълумотлар асослаб берилди.

12. Ўрта асрлар (IX–XV асрлар)да Шош воҳаси ҳам илмий-маданий марказлардан бири эканлиги ҳамда воҳа олимларининг ислом илмлари ва маданиятига қўшган ҳиссаси манбалар асосида аниқланди. Диссертациянинг илова қисмида Абу Бакр Қаффол Шоший, Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийларнинг Тошкент, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари нусхалари берилган. Шош воҳасининг 100 дан ортиқ олимлари фаолиятига доир маълумотлар библиографик тарзда ёритилди.

Тадқиқотда таҳлил этилган масалалардан келиб чиққан хулосалар асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

– “Шоший” нисбасидаги олимларнинг хорижда сақланаётган қўлёзма нусхаларини олиб келиш;

– “Ҳастимом” мажмуасидаги зиёратгоҳларнинг ислом маданиятида тутган ўрнига бағишланган илмий рисоалар тайёрлаш;

– муқаддас қадамжоларни моддий маданият мероси сифатида ўрганиш;

– Тошкент шаҳри ва вилояти зиёратгоҳлари билан боғлиқ шахслар – шайх, авлиё ва олимларнинг фаолиятини аниқлаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 26.04.2018. Isl/Tar/F.57.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА**

МЕЖДУНАРОДНАЯ ИСЛАМСКАЯ АКАДЕМИЯ УЗБЕКИСТАНА

МУХАМЕДОВ НЕЪМАТУЛЛО АСАТУЛЛАЕВИЧ

**ВКЛАД УЧЕНЫХ ОАЗИСА ШАШ В РАЗВИТИЕ ИСЛАМСКОЙ
КУЛЬТУРЫ И НАУКИ В СРЕДНИЕ ВЕКА**

24.00.01 – История и источниковедение ислама

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) по историческим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2018.1.DSc/Tar137.

Диссертация выполнена в Международной исламской академии Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ИАУ.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Исламов Захид Махмудович
доктор филологических наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Агзамова Гулчехра Азизовна
доктор исторических наук, профессор

Остонакулов Икромитдин
доктор исторических наук

Султонов Уктамбек Абдулганиевич
доктор исторических наук (DSc)

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
институт востоковедения**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 26.04.2018. Isl/Tar/F.57.01 при Международной исламской академии Узбекистана (адрес: 100011, г.Ташкент, ул. А.Кадыри, д.11. Тел.: (99871) 244 94 70. Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@ИАУ.uz. Международная исламская академия Узбекистана.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Международной исламской академии Узбекистана (зарегистрирована за № _____) (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Кадыри, д.11. Тел.: (99871) 244 00 91.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019г.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019г.)

Ш.А.Ёвкочев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор политических наук, профессор

Д.А. Рахимджанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат исторических наук, доцент

С.С. Агзамходжаев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

Введение (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобализации, в период, когда представители различных религий и культур устанавливают взаимное сотрудничество, к XXI веку в развитии мировой науки признаны заслуги просветителей, занимающих важное место в исламской цивилизации, в частности, ученых Мавераннахра, «оставленное ими бесценное наследие в сфере точных и религиозных наук считается духовным имуществом всего человечества»¹. Потому что, «особое значение имеет глубокое изучение, осмысление и широкая популяризация наследия наших великих предков – мыслителей исламского мира, их неоценимого вклада в развитие мировой цивилизации. Этот вопрос важен для воспитания у молодежи стремления к знаниям, к получению образования. Это необходимо и для правильного понимания и восприятия исламских ценностей и культуры во всех обществах, донесения до всех народов мира истинной сути Ислама. И для достижения на международном уровне межконфессионального, межнационального и межкультурного диалога, обеспечения мира и согласия сегодня это также имеет исключительное значение»².

Такие древние города, как Бухара, Самарканд, Насаф (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент), были знамениты по всему миру и признавались центрами развития исламской цивилизации и как центры исламской культуры и науки. В университетах США ведутся исследования, связанные с историей суфизма в Центральной Азии в средние века, с тарикатами яссавия и накшбандия; в научно-исследовательских центрах Великобритании – с исламской цивилизацией в Центральной Азии, в Голландии – с историей и культурой исламской цивилизации Центральной Азии, и следует отметить, что особое внимание придают исследованиям рукописей ученых среднего века, хранящихся во многих архивах и фондах Европы.

Ташкент в источниках средневековья назывался Шаш (شاش). Шаш – родина многих известных ученых исламских наук, таких как хадис, фикх и суфизм. Родившиеся и работавшие здесь многие великие личности, ученые были известны в мире под нисбой «Шаши» (شاشي), «Тошканди» (طشكندی) (с XIV века). Требуется новый взгляд на исследование их рукописей, хранящихся в Турции, Египте и Сирии, а также новая характеристика и источниковедческий анализ. В городах Узбекистана, в частности, в оазисе Шаш, древнюю культуру доказали различные археологические, рукописные источники, исторические документы. Восстановление многих исторических памятников, таких как комплексы Хастимом, Занги ота, Сузук ота, получение

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Халқ сўзи. – 2017 год 23 декабря.

² Доклад и.о. Президента Шавката Мирзиёева «Мир, просвещение на пути процветания и сотрудничества». / 43-сессия Совета министров иностранных дел Организации исламского сотрудничества. // Халқ сўзи. – 2016 год, 19 октября.

высокого статуса «Ташкент – столица исламской культуры»³, полученный в 2007 году со стороны ISESCO – организации по вопросам образования, науки и культуры при Организации исламской конференции, празднование 2200-летия⁴ Ташкента в мировом масштабе определяют его место в регионе, актуальность вклада ученых оазиса Шаш в средние века.

Наша страна перешла на новый этап развития всех сфер, как социально-политический, экономико-бытовой, духовно-религиозный. Президент Шавкат Мирзиёев в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах особое внимание уделяет ряду актуальных вопросов⁵. Для развития научных исследований методологической основой служат Указы Президента и Постановления правительства. Например, исследовательская работа отвечает Постановлению Президента от 24 мая 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», Постановлению Президента от 23 июня 2017 г. «О мерах по организации Центра исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан» и Указу от 16 апреля 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности религиозно-просветительской сферы». Данная диссертационная работа служит изучению произведений великих предков и их вклада в развитие исламской религии, воспитанию в молодежи чувства национальной гордости.

Связь диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике. Диссертация осуществлена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике I. «Исследования духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также непрерывности и последовательности образования, воспитания совершенного поколения».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶. Научные исследования, посвященные изучению научного наследия, деятельности ученых, историков, мухаддисов, факихов и суфиев Центральной Азии, внесших вклад в исламскую культуру и науку в средние века, осуществлялись в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях, таких как: University of Oxford (Великобритания), British Institute of Persian Studies (Великобритания),

³ Каримов И.А. Высокое признание вклада узбекского народа в развитие исламской культуры / Интервью Президента Ислама Каримова данное негосударственному информационному агентству "Туркистон-пресс"// Халк сузи, 2007 год 23 февраля.

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан ПП № 828 от 2 апреля 2008 года "О подготовке и праздновании 2200-летия города Ташкента" Бюллетень палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан . 2008 год, №4, ст.223, р. 11 ст.618.

⁵ <http://lex.uz/getwordfile/3107036> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

⁶ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://www.ox.ac.uk>; <http://www.csames.illinois.edu/program/islamicstudies>; <http://www.ugr.university/programmes/arab-and-islamic-studies>; <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.kazankiu.ru>; <http://www.tashgiv.uz>; <http://www.uzxia.uz>. выполнена на основе других источников.

Indiana University, Illinois University (США), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия), Cairo University (Египет), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library (Турция), Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi (Турция), Marmara University (Турция)⁷, Казанский исламский университет (Россия), Институт востоковедения АН Узбекистана, Исторический институт АН Узбекистана, Международная исламская академия Узбекистана (Узбекистан).

Проведены исследования, связанные с историей и культурой суфизма в Центральной Азии в средние века, с тарикатами яссавия и накшбандия⁸, в Британском университете персидских исследований обоснованы с теоретической точки зрения история, философские характеристики исламской цивилизации Центральной Азии⁹ (British Institute of Persian Studies (Великобритания), Indiana University (США), University of Oxford (Великобритания)).

Западными учеными осуществлены исследования, связанные с исламской цивилизацией в средние века, деятельностью мусульманских ученых, их вкладом в формирование истории исламских наук, таких как хадис, фикх и суфизм; научно обоснованы основы анализа источниковедения произведений рукописных источников University of Oxford (Великобритания), Illinois University (США), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия)¹⁰.

Даны комментарии к рукописям ученых Средних веков, охарактеризованы основы научно-критического анализа источников, комментарии рукописей («аз-Зохирия»¹¹ в городе Дамаске, научно-исследовательские центры в Турции, библиотека Сулеймания, Институт востоковедения РАН и АН Узбекистана).

⁷ <https://turkiyat.marmara.edu.tr/notice/marmara-turkiyat-arastirmalari-dergisi/> Ömer Lütfi Barkan. *Östila Devirlerinin Kolonizatör Türk Dervişleri ve Zaviyeler // Vakıflar Dergisi*. s. II, Ankara, 1942, sf. 279–304; Aynur Kocak. Zengi Ata'nın menkebleri, turbesi ve bayramı üzerine // *Türk Kültürü ve Hacı Bectas veli Aiaştıyma Dergisi*, sy 25, Ankara, 2003. – S. 107; Keffal Şaşı'nın hayatı hakkında bakınız. *Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi*. C.24. İstanbul. 2011. S.146-148.

⁸ DeWeese, Devin. The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Tradition // *JIS*, 7/2 (july 1966). P. 180–207; DeWeese, Devine. Yasavian legends on the islamization of Turkistan.-Aspekts of Altaic Civilization – III. Proceeding of the Thirteen Meeting of the Permanent International Altaistic conference Indiana University (in) 1987. Ed. D. Sinor. Bloomington, 1990, p. 1–19.

⁹ The Importance of Khurāsān and Transoxiana in the Classical Islamic World,” in A.C.S. Peacock and D.G. Tor, eds., *Medieval Central Asia and the Persianate World: Iranian Tradition and Islamic Civilisation*. British Institute of Persian Studies Series. London: I. B. Tauris, 2015, 1-12.

¹⁰ *Medieval Islamic Civilization* Josef W. Meri Routledge encyclopedias of the Middle Ages. Том I. Psychology Press, 2006. -P. 933.

¹¹ Произведения Абу Саида ал-Хайсама ибн Кулайба аш-Шаши ал-Муснад (المسند) хранившиеся под номером 277 в библиотеке "аз-Зохирия", затем переданное в библиотеку имени "Мактабат ал-Асад" в Дамаске. Эта рукопись состоящая из 192 листов в 558 году по мусульманскому календарю (в 1163 году по григорианскому календарю) был переписан каллиграфом ал-Хофиз Зиёуддин ал-Мукаддаси; фотокопия “Жавомий ал-калим” Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил ал-Каффал аш-Шаши (جوامع الكلم) хранится под номером В-277 в библиотеке Духовного управления мусульман Узбекистана, 32 листа, оригинал рукописи хранится в библиотеке “Зохирия” Дамаска. Покойный муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон в 1970 году привез 32 страницы фотокопии рукописи произведения "Жавомий ал-калим" хранящейся в библиотеки "Зохирия" Дамаска.

Степень изученности проблемы. Шаш (Ташкент) является одним из крупных культурных центров в регионе. Некоторые этапы истории города и оазиса в различные периоды, в частности, политические события, связанные с ними, освещены в виде общих сведений в источниках по истории Центральной Азии.

На сегодняшний день при исследовании истории народов регионов республики региона, исторической географии, истории культуры, искусства и других сфер социально-политической жизни, большое значение имеют арабские письменные памятники. Они состоят из произведений, написанных на арабском языке, связанных веками и странами посредством неких традиций и приоритетной продолжительностью, несмотря на принадлежность авторов к различным народам¹².

Среди них произведения таких ученых, как ал-Балозури¹³, Ибн Хурдодбех¹⁴, ал-Якуби¹⁵ (IX век), ал-Истахри¹⁶, ал-Мукаддаси¹⁷, ал-Масуди¹⁸, ал-Хорезми¹⁹, ат-Табари²⁰, Ибн Мискавайх²¹, Ибн Хавкал²² (X век).

Большинство этих произведений по географии и топографии кишлаков, городов Центральной Азии, социально-политической истории, содержат сведения об оазисе Ташкента, в них, хоть и в разрозненном виде, но отражены специальные произведения, посвященные истории Ташкента, и количество их очень ограничено. Вот таким редким источником является произведение Мухаммада Солиххужи Тошканди, сына Рахимхужи (родился в 1810 году в махалле Кариегду Шайхонтахура) «Тарихи жадидаи Тошканд» («Новая история Ташкента»), написанное на фарси.

В книге Мухаммада Солиххужа «Тарихи жадидаи Тошканд» в

¹² См.: Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Т.: Шарқ баёзи, 1993. -Б. 3.

¹³ Балзури. Футух. – Liber expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmad ibn Jahia ibn Djabir al-Beladsori quem e codice Leidensi et codice Musei Brittaini ed. M. J. De Goeje, Lugduni Batavorum, 1866; Китоб футух ал-булдан та'лиф Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир ал-Багдади аш-шахир би-л-Балзури.-Каир, 1319/1901; Балзури. Книга завоевания стран. Текст и перевод. Перевод с арабского П.К.Жузе. Баку, 1927 (Материалы по истории Азербайджана. В п III-IV).

¹⁴ Kitab al-Masalik wa'l-mamalik auctore Abu'l-Kasim Ubeidallah ibn Abdallah ibn Khordadbeh. Accedunt excerpta e Kitab al-Kharadj anct. Kodama ibn Dja'far Lugd Batavorum, 1889 (BGA, VI); Brockelmann G. GAL, I, SS. 225-226; SB 404; Ибн Хурдодбех. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик. M.J.De Goeje. -Leiden, 1967.

¹⁵ Kitab al-Boldan, auctore Ahmed ibn Abi Jakub ibn Wadhih al-Katib al-Jakubi, Ed. 2, edit M. J. De Goeje, Lugh. Batavorum, 1892 (BGA, VII).

¹⁶ ал-Истахри – Абу-Исхак ал-Форисий ал-Истахрий. Китаб масалик вал-мамалик. M. J. De Goeje. -Leiden, 1873.

